

Буюртмачилар томонидан мунтазам равишда йўл қўйилаётган хато ва камчиликларнинг рўйхати

1. Танлов ҳужжатларидаги товар(лар)нинг (иш(лар)нинг, хизмат(лар)нинг) қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг беш минг бараваридан ошган ҳолларда танлов бўйича **техник топшириқ** Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс **экспертиза қилиш маркази билан келишиб олинмаганлиги.**

2. Товар(лар)нинг (иш(лар)нинг, хизмат(лар)нинг) қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг **беш минг бараваридан ортиқ** миқдордаги давлат харидлари ўтказилганда **харид комиссияси таркибига** давлат **буюртмачисининг вакиллари**дан ташқари Ўзбекистон Республикаси **Инвестициялар бўйича давлат қўмитасининг**, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги **“Ўзинжиниринг” республика лойиҳалаштириш институтининг вакиллари киритилмаганлиги.**

3. Тендер ҳужжатларининг экспертизаси Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс **экспертиза қилиш маркази** томонидан амалга оширилмаганлиги.

4. Давлат харидларини амалга оширишнинг рақобатга асосланган усулларини четлаб ўтиш мақсадида **давлат харидлари ҳажмини қисмларга бўлиб ташланганлиги.**

5. Давлат харидлари субъектларига таъсир ўтказишга, давлат харидлари **иштирокчиларининг сонини асосиз равишда чеклашга** ёки уларнинг малакасига қўйилган талабларни оширишга, **рақобатга йўл қўймасликнинг, уни чеклашнинг** ёки бартараф этишнинг бошқа шаклларига йўл қўйганлиги.

6. Давлат харидлари тўғрисидаги қонун талабларига ҳилоф равишда харид қилиш тартиб-таомили (**кўп ҳолларда тўғридан-тўғри**) турини танлаш тўғрисида қарор қабул қилганлиги.

7. Манфаатлар тўқнашувига йўл қўйганлиги.

8. Харид комиссияси томонидан танлов иштирокчиларидан танлов ҳужжатларида кўрсатилган **талабларга мос келадиган камида иккита таклиф** олинмаганлиги.

9. Танлов (тендер) ўтказилиши тўғрисидаги эълонда ахборотларнинг тўлиқ киритилмаганлиги.

10. Рухсат этилган **товарлар (ишлар, хизматлар)** ва ягона етказиб берувчилар Ягона етказиб берувчилар реестрида мавжуд бўлмаган ҳолда ягона етказиб берувчи билан шартнома тузганлиги.